

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

662 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар хукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида 2013 йил 13 сентябрь куни Бишкек шаҳрида имзоланган Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томони мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-таомилларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

51 (603)-сон

— 9 —

662-модда

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 17 декабрь,
ПҚ-2089-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.